

## УМУМИСТЕЪМОЛДАГИ ЗООНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Азамов Омаджон Бурхонович

Андижон давлат чет тиллари институти

Немис тили назарияси ва асалиёти кафедраси

[kamronmirzo79@mail.ru](mailto:kamronmirzo79@mail.ru) 99 9077941

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435295>

**Аннотация:** Ушбу мақолада умумистеъмолдаги зоонимларнинг лексик – семантик хусусиятлари борасида сўз боради. Шу билан бирга зоопарадигмалар орасидаги гипо- гиперонимик алоқаларни ҳамда семантик алоқаларнинг бошқа турларини ўрганишда уларнинг турларини аниқлаш ҳақида фикрлар билдирилади.

**Калит сўзлар:** Зооним, умумистемол, гипо- гиперонимик алоқалар, зоотама, парадигма элементлари, микротизим, функционимик, градуонимик.

Ҳар бир тилининг умумистемолдаги зоонимлари, асосан, ўша халқнинг хўжалик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган уй ҳайвонларининг ёки теварак- атрофдаги одамларга яқин яшайдиган турли ҳайвонларнинг номларини ўз ичига олади. Жумладан:

das Pferd - от жуфт туёқли сут эмизувчи иш ҳайвони. Das Pferd сўзи шу ҳайвон турига кирувчи ҳайвон номларининг доминанти ҳисобланади. Бу ходиса ўзбек тилида ҳам худди сундай изоҳланади. Жумладан: das Pferd - от: доминант, der Hengst - айғир(еркак от), die Stute- бия (урғочи от)

Изланишлар шуни кўрсатадики, умумистеъмолдаги зоонимларни тўплаш ва уларни лексик- семантик алоқа нуқтаи назардан изоҳлаш натижасида бу типдаги зоонимлар орасидаги семантик алоқаларни ўрганиш ва бу алоқаларнинг чегарасини аниқлаш билан бир қаторда ундай зоонимларни тўплаш ҳамда изоҳли луғатларга киритиш ҳам жуда муҳим илмий- амалий аҳамиятга эга. Чунки халқ тилида кенг қўлланилиб келинган кўпгина зоонимлар бугунги кунга қадар изоҳли ва махсус соҳа луғатларига киритилмаган экан. Жумладан: Ўзбек тилидаги кўппак сўзининг эркак ит маъносини, тойхар сўзи икки ёшдан ошган эшак маносини ифодалаб келиши луғатларда кўрсатилмаган. Демак умумистемолдаги зоонимлар орасидаги гипо- гиперонимик ҳамда турли типдаги бошқа семантик алоқаларни ўрганиш билан бир қаторда, бундай зоонимларни тўплаш ҳамда уларнинг турли маноларини аниқлаш ҳам жуда зарурдир. Биз юқорида ўзбек тилининг зоонимлари ҳамда

зооатамалари орасидаги умумийлик ва уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи томонлари устида қисман тўхталдик. Лекин шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, бу икки турдаги зоонимларни ўзаро фарқлаш учун уларнинг семантик таркибидаги ўзига хос фарқини ҳам аниқ белгилаб бериш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай лексик парадигма элементлари орасидаги мано муносаатларини органиш, уларни алоҳида - алоҳида микротизимларга ажратиш асосида тадқиқ қилиш ўзбек ва немис тиллари луғат таркибини яхлит бир тизим сифатида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Зоопарадигмалар орасидаги гипо - гиперонимик алоқаларни ҳамда семантик алоқаларнинг бошқа турларини ўрганишда уларнинг турларини аниқлаш жуда ҳам зарурдир. Зоонимларни таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Содда зоонимлар, яни содда сўз типидagi зоонимлар: от, эшак, ит ва ҳ.к.

Немис тилида: das Pferd, der Hund, der Esel

2. Мураккаб зоонимлар, яни қўшма сўз типидagi зоонимлар: элқанот, оққўйруқ, оққўтон каби.

Немис тилида: der Gamsbock - тоғ кийигининг эркаги, die Hirschkuh - буғи урғохиси, der Elchbulle - лос эркаги

3. Таркиби сўз брикмаси типидagi зоонимлар: сув илон, кўк новда, ҳалқали илон, чипор илон ва ҳ.к. Сўз брикмаси типидagi зоонимлар ўзининг таркибига кўра мураккаб зоонимлар бўлиб, немис тилида таркибли сўз брикмаси типидagi зоонимлар мавжуд эмас, бу типдаги ҳайвон номлари асосан илмий атамалар сирасига киради. Бу типдаги зоонимлар учун ҳарактерлиси шундаки, улар гипо - гиперонимик парадигматик қаторларни ҳосил қила олмайди. Немис тили зоонимларининг каттагина қисмини, шу жумладан, умумистемол зоонимларининг асосий қисмини биринчи гуруҳ зоонимлари ташкил қилади. Сода зоонимлар тилда сода сўз шаклида ифодаланади. Сода сўз типидagi зоонимлар ўзаро гипо - гиперонимик семантик алоқа асосида боғланган бўлиб, базан бу қаторлар орасида градуонимик ҳамда функционимик лексик парадигмаларнинг мавжудлигини ҳам этироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи гуруҳ зоонимлари, яни қўшма сўз типидagi зоонимлар ҳам умумистемолдаги ҳайвон номлари орасида, ҳар иккала тилда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Шуни алоҳида такидлаш керакки, қўшма от типидagi зоонимлар, биринчи навбатда ўзаро гипо - гиперонимик семантик алоқа асосида боғланади. Бу ўринда ҳам бази холлардагина

қўчма от типидagi зоонимлар орасида функционимик ҳамда градуонимик муносабат асосида ҳосил бўлган лексик парадигмаларнинг мавжудлиги кўрсатилади. Бу типдаги зоонимлар бир жинсга мансуб ҳайвон турини иккинчисидан турли - туман белгиларнинг ифодаланиши асосидаги фарқни ифодалядилар. Масалан, немис тилида: die Hirschkuh - буғи урғохиси, der Elchbulle - лос эркаги

Қўчма сўз типидagi зоонимлар қуйидаги сўз туркумларига мансуб сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади:

1. Икки отнинг бирикуви асосида: элқанот, аррабурун, байроқдум ва ҳ.к.

Немис тилида: die Schildkrote- тошбақа, der Rehbock - охунинг эркаги

2. Сифат ва отнинг бирикувидан: қорабайир, олақузон, қизилиштон. Немис тилида: der Blauwal- кўк кит, das Wildschwein - ёввойи чўчка

3. Сон ва отнинг бирикуви асосида: тўрткўз, бирқозон, саккизоёқ

4. От ва рависҳдосҳнинг бирикуви асосида: бешиктерватар, болтаютар, бўрибосар ва ҳ.к.

Кўриниб турибтики, немис тилида 3- ва 4- гуруҳга кирувчи зоонимлар луғатларда мавжуд эмас, шундай бўлса ҳам немис тилида фел ва отнинг бирикуви асосида шакилланган зоонимлар мавжуд. Масалан: das Murmeltier - суғур, das Raubtier - йиртқич ҳайвон.

Юқорида айтиб ўтилганидек, зоонимларнинг тузилиш турларга кўра фарқлаш улар орадсидаги ўзаро семантик алоқаларнинг турларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Уларни турли тиллар асосида қиёсий ўрганиш орқали зоонимларнинг шндай қирралари номоён бўладики, улар қиёсий тилшунослик соҳасида янги тадқиқод объекти сифатида намоён бўлади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Р. Сафарова. Лексик- семантик муносабатнинг турлари. Т. Ўқитувсҳи 1996.

2. Фриедрих, Волф: Модерне деуцсхе Идиоматик. Исманинг: Мах Ҳуебер